

4319104 - СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет таисилотлари) учун

Карши ш.

2022 йил

1809

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил 30 декабрдаги 27-01-14/6031-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Каражадар филиали директори Ж.Бозоров (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва \_\_\_\_\_ номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганини тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда – Абонент) иккичи томондан (кейинги ўринларда – Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича кўйидагилар ҳакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартномаси) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ) расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиши тўғрисидаги гувоҳнома, тузишига расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чикканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисидаги шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегиши молиявий хужжатни олиши Оператор Офертанинг шартларини сўзсиз қабул килиши (акцептими) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация раками беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чишиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиши шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этишиб учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиккан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлиб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлиб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алока хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (*Postpaid*) тизими шартлари татбик этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йўғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлиб **3 (уч)** банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100** (бир юз) фоиз микдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегиши иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегиши иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (КҚСни ҳисобга олган ҳолда) \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм микдоридаги Абонент тўловини ҳамда \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) микдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзолангандан кўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлиб **3 (уч)** банк куни ичига ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамига пул маблагларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширилмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатиши, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олини истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равища блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера қонидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий микдор кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (үн)** иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этимаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегиши тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегиши тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир)** календарь ойдан ошмаган муддатта Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни баъжармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибида ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликинг чекланиш холатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни ҳал килиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани баъжариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этишиб тартибига риоя килинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида ўзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишибнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ Қарши туманлараро иктисадий судида кўриб чикилади.

**6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равища Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар

кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик мадан, юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига баглик бўлмаган ҳар кандай ҳолатларда ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажкор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирофонома/шикоят/таклиф кўриннишидаги мурожаати кўпи билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишил шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортик муддат талааб этилса, Абонент (мурожаат муваллифи) Оператор томонидан бу хақда мажбурий равишда хабардор килинади.

#### 7. Якуний коидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувоғик белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига амал килади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20 \_\_\_\_ йил 31 декабря кадар амал килади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонента татбик этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттире ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейнинг йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ кадар амал килади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини қабул қилганлиги хакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Офера, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши ва бошка ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичига бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришилар ва кўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равиша расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳакиқий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

### 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

|  |  |
|--|--|
| <b>ОПЕРАТОР:</b><br>“Ўзбектелеком” АҚ<br>Қашқадарё филиали<br><br>Манзил: Кашқадарё вилояти Қарши шаҳар Бешкент йули 3 км<br><br>Банк маълумотлари:<br>х/р: 20 210 000 504 074 838 334;<br>СТИР: 203 366 731;<br>МФО: 00401; АТБ “Алокабанк”<br>Тел: 1155 Call марказ, 75 221-5300;<br>E-mail: qashtel@uztelecom.uz, qashmarketing@uztelecom.uz; | <b>АБОНЕНТ:</b><br><i>СЭДБО ЖССХ Қашқадарё бил бозик</i><br>Манзил: <i>А. Төмур 74 ўй</i><br><br>Банк маълумотлари:<br>х/р: <i>100021860104017074110054001</i><br>СТИР: <i>200671996</i> ;<br>МФО: <i>00014</i> ; Банк номи: _____;<br>Тел: _____;<br>E-mail: _____; |
| <b>Оператор номидан:</b><br><br>Директор <i>Ж.С.Бозоров</i><br>/имзо/ <i>М.У.</i>  | <b>Абонент номидан:</b><br><br><i>ИМЗО</i> <i>Ф.И.О</i>  |

2022 йил “ ”  
—сонли абонент шартномасига  
1-илова

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

| т/р                                    | Хизматлар номи              | ҚҚС билан нархи<br>(миқдори) | Асос | Миқдо<br>ри | 15% ҚҚС билан<br>Тўлов миқдори,<br>(сўмда) |
|--|-----------------------------|------------------------------|------|-------------|--|
| 1                                      | 2                           | 3                            | 4    | 5           | 6  |
| <b>I. Бир марталик тўловлар</b>        |                             |                              |      |             |  |
| 1.2                                    | Бир марталик тўлов          |                              |      | Нархнома    |  |
| 1.3                                    | Бир марталик тўлов          |                              |      | Нархнома    |  |
| <b>II. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b> |                             |                              |      |             |  |
| 2.1                                    | Ойлик тўлов <i>Телегори</i> |                              |      | Нархнома    | <i>300000</i>                              |
| 2.2                                    | Ойлик тўлов                 |                              |      | Нархнома    |  |
| 2.3                                    | Ойлик тўлов                 |                              |      | Нархнома    |  |
| 2.4                                    | Ойлик тўлов                 |                              |      | Нархнома    |  |
| 2.5                                    | Ойлик тўлов                 |                              |      | Нархнома    |  |
| Жами (олдиндан тўлов)                  |                             |                              |      |             |  |

Жами олдиндан тўлов миқдори *300000 (Чи тоғ минг)* сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори *900000 (Туккиз тоғ минг)* сўмни ташкил этади. Ундан *( )* сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда *( )* сўм бир маротабалик *( )* технологияси бўйича уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

ОПЕРАТОР:  
“Ўзбектелеком” АҚ  
Қашқадарё филиали

АБОНЕНТ:

Оператор номидан:



Директор

Ж.Бозоров

Абонент номидан:



2022 йил “ ”

—сонли абонент шартномасига

2-илюва

Бажарилган ишларни қабул қилиш ва маҳсус уланишни синовдан ўтказиш далолатномаси

Телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида 2022 йил “ ” “ ”  
—сон шартномага асосан тегишли ишлар амалга оширилди

| т/р | Хизматлар номи   | Бажарилганилиги ҳақида белги |
|-----|--|------------------------------|
| 1.  | _____ тариф режаси бўйича<br>_____ Мб/с тезлигига маълумотлар узатиш<br>тармоғига кириш.<br>Уланиш нұкталари сони- | Бажарилди                    |

Оператор томонидан уланишни ташкил этиш учун абонентга берилган Абонент қурилмасини топшириш –  
қабул қилиш далолатномаси

| № | Курилманинг дастурий таъминот номи | Микдори | Серия кодиёки завод рақами | 15% ҚҚСни инобатга олган холда, етказиб бериш қиймати, (сўмда) |
|---|------------------------------------|---------|----------------------------|--|
| 1 | 2                                  | 3       | 4                          | 5  |
| 2 |                                    |         |                            |  |

\*Курилмалар Оператор томонидан Абонентга мулк сифатида топширилади.

\*Абонент, Оператор томонидан алоҳида уланишлар ташкил этилиши учун сотиб олинган қурилмадан техник шартларга мувофиқ, белгиланган мақсадда фойдаланиши учун жавобгардир.

\*Абонент қурилмаларнинг сифатига, ассортиментига ва сонига нисбатан ҳеч қандай эътирози йўқ.

\*Ушбу далолатнома сотиб олинган қурилмага эгалик қилиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги хужжатдир.

ОПЕРАТОР:  
“Ўзбектелеком” АҚ  
Қашқадарё филиали

АБОНЕНТ:

Оператор номидан:



Директор  
/имзо/  
М.ў.

Ж.С.Бозоров

Абонент номидан:



/имзо/  
М.ў.